




ИНСОН ҚОНУН



ҲОКИМГА МУОВУН ТУШДИ —
ҚҲЙНИДАН ҚОВУН ТУШДИ

5-БЕТ

8 сентябрь 2020 йил / № 35 (1239)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

УЧҚУДУҚЛИК ҲАМШИРАЛАР
НИМАДАН НОРОЗИ БЎЛДИ? 4-БЕТ



КОРРУПЦИЯ ҲАКИДА ХАБАР БЕРГАНЛАР
РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИМИ? 6-БЕТ

ЮРАК
(ДЕТЕКТИВ) 7-БЕТ



Қурбонлар ичида алданганлари ҳам, била туриб шу йўлни танлаганлари ҳам бор...


БУГУНГИ кунда одам савдосидан болалар жабр кўрмоқда. Айниқса, болаларни ўз яқинлари томонидан сотиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, фуқаро Ш. 6 ойлик боласини Г. исмили шахсга 400 АҚШ долларига сотган.

Болалар савдоси деганда, яъни болани сотиш-харид қилиш ёки болага нисбатан уни бериш ва унга эғалик қилиш шаклидаги бошқа битимларни амалга оширишни тушуниш лозим.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда аёлларни жинсий эксплуатация қилиш мақсадида уларни ёллаш трансмиллий аҳамият касб этиб бормоқда ҳамда ушбу ҳолатлар қўлининг янги шакллари, деб аташ мумкин бўлган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлса, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Д. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Туркия давлатида шахвоний мақсадларида фойдаланиш мақсадида фуқаро Н. ва Б.лар билан гуруҳ бўлиб, олдиндан ўзаро жинсий тил бириктириб, 2017 йил апрель ойларининг бошларида фуқаро Д. интернетнинг Телеграмм мессенжери орқали Наманган шаҳрида рўйхатда турувчи фуқаро М. билан ёзишиб, унга Туркия давлатида дугонаси Н.нинг фарзандига қараш билан шуғулланиши мумкинлигини айтади. 2017 йил 27 апрель куни фуқаро М. "Тошкент — Истанбул" йўналиши бўйича Туркия давлатига учиб борганида, уни Д. кутиб олиб, ҳақ эвазига турк фуқаролари билан шахвоний муносабатларга киришиш учун фуқаро Н. ва Б.ларга топширган, шунда фуқаро Н. фуқаро М.га тегишли бўлган фуқаролик паспортини ва Ўзбекистонга қайтиш авиачиқтасини олиб қўйиб, фоҳишалик билан шуғулланишни хоҳламаса-да 2.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни беришни талаб қилган ва уни Истанбул шаҳрида жойлашган хонадонда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда, уни уриб-дўлбослаб, унга нисбатан зўрлик ишлатиб ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, 2017 йил 27 апрель кунидан 2017 йил 19 май кунига қадар мажбурлаб фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаган.

2-БЕТ



ЎЗБЕКИСТОНДА тест жараёнлари

2020-2021-ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш 20 июндан 20 июлга қадар барча ҳудудларда Давлат тест марказининг расмий веб-сайти abitur.dtm.uz ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz орқали, республикамизнинг 8 та туманида эса давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилди.

Рўйхатдан ўтган жами абитуриентлар **1 484 085 нафарни** ташкил этди.

Шундан, жорий йил битирувчилари **536 144 нафар** (36,13 %).

Жумладан, 2020-2021 ўқув йилида пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларига кириш учун жами **250 000 711** нафар абитуриент ҳужжат топширган. Тест ўтказиладиган секторлар 17 тани ташкил этади. Бир сменада **9 000 930** нафар абитуриент тест топшириш имкониятига эга.

ТАЪЛИМ ШАКЛИ БЎЙИЧА:

Кундузги таълим шакли – **798 608 нафар** (53,81 %);

Сиртки таълим шакли – **648 733 нафар** (43,71 %);

Кечки таълим шакли – **36 744 нафар** (2,48 %).

ТИЛЛАР КЕСИМИДА:

Ўзбек тили – **1 297 445 нафар** (87,42 %);

Рус тили – **139 115 нафар** (9,37 %);

Қорақалпоқ тили – **44 279 нафар** (2,98 %);

Бошқа тиллар – **3 246 нафар** (0,22 %).

Қурбонлар ичида алданганлари ҳам,

била туриб шу йўлни танлаганлари ҳам бор...

Яна бир мисол Жиноий гуруҳ аъзолари аёлларни доимий равишда шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун "официантка" бўлиб ишлайсизлар, деб алдаб, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига олиб бориб, фоҳишахоналарда сақлашган. Жабранувчи Г. ва А.ларнинг кўрсатмаларига қараганда, улар Дубай шаҳрига олиб келинган, фоҳишахона хўжайинига ҳар бири 5000 АҚШ долларидан сотилган.

Яна бир мисолга кўра, жиноий гуруҳ аъзолари аёлларни Таиланднинг Бангкок шаҳрида кафедра "официантка" бўлиб ишлайсизлар, ҳар ой 1000 АҚШ долларидан маош оласизлар, деб алдаб, у ерга олиб бориб, доимий равишда шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун фоҳишахоналарда сақлашган.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, турли мақсадларда мажбурий меҳнат учун жалб қилинган шахслар алдов йўли билан жабранувчига айланганлар.

БАЪЗИЛАР ҚАНДАЙ ИШГА КЕТАЁТГАНИНИ АНИҚ БИЛГАН...

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одам савдоси жиноятида жабранувчи сифатида мурожаат қилувчи шахслар баъзи ҳолларда, алданмаган, ёлловчи томонидан шахснинг розилигини олиш учун алдов ишлатилмаган. Яъни, ёлланувчи шахс қаерга ва қандай ишга кетаётганликларини олдиндан билган. Мисол учун, бир ҳолатда А. исмли шахсга Россия Федерациясида қурилиш ташкилотинида автокран ҳайдовчиси бўлиб ишлаш таклиф қилинган. Таклиф қилинган шахс тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, у ерга етиб борганига қадар автокран ҳайдовчилигига бошқа шахснинг ишга қабул қилиб қўйишган ва кеч келган шахсга энди бошқа, маоши ундан камроқ иш таклиф қилинган. А. исмли шахс эса, бу таклифга рози бўлмаган ва Ўзбекистонга қайтиб келган. Юртига қайтиб келган ва борди-келди харажатларга куйган А. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мени алдашди, дея мурожаат қилиб, унга иш таклиф қилган-

ларни одам савдоси жиноятида айблагша уримқода.

Ёки кейинги мисолда чет элга фоҳишалик билан шугулланиш учун жалб қилинган аёл чет элда юрган пайтида мўлжалидаги пулни топа олмаса, шунингдек, келгандан кейин "номини оқлаш" учун ҳам мени алдаб, олиб кетишди, дея мурожаат қилмоқда. Ваҳоланки, у аёлга чет элдан иш таклиф қилганлар қандай иш эканлиги, иш ҳақи тахминан қанча эканлиги тўғрисида аниқ айтишган. Аёл фоҳишалика кетаётганини олдиндан билган.

Алдов ушбу жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади, чунки ёлловчи томонидан шахснинг розилигини олиш учун била туриб турли вазиятлар тўғрисида ёлгон хабар беради.

Масалан, В. исмли шахс ва унинг турмуш ўртоғи Н.лар жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фуқаролар З., Л., Ш. ва бошқаларни яхши даромадли иш топиб беришни ваъда қилиб, алдаш йўли билан ёллаб, Россия Федерациясининг Москва вилояти Коломна районида олиб бориб, икки йил давомида қурилиш ишларида ойликсиз ишлатган.

ОДАМ САВДОСИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Жиноят кодексининг 135-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиб ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тақлиф қилинади.

Уша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабранувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабранувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- б) жабранувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 135-МОДДАСИНИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАКЛИФИМИЗ БОР...

Бироқ жиноят содир этишнинг айнан шу усули, яъни алдов, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида жиноятнинг объектив томони сифатида назарда тутилмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 135-моддаси, биринчи қисмида жиноятни айнан алдов йўли билан содир этганликдаги белгиси киритилиши керак, деб ҳисоблаймиз ва ушбу модданинг 1-қисмини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф этамиз: "Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиб ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида алдов йўли билан ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш".

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун

ҳам бундай салбий иллатнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, Қонуннинг 4-бобида "Одам савдосидан жабранганларни идентификация қилиш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан давлат органларининг ҳамкорлиги"га доир нормалар ўз ифодасини топган.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бу борада жаҳон тажрибаси таҳлил этилганда, хорижий мамлакатларда жиноят қонунларининг қисий таҳлили уларда трансмиллий жиноят ҳисобланган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланганлигининг аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жумладан, Италия одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилинган жабранувчиларни қабул қилувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қонунчилик тизими анча мукамал бўлиб, у халқаро меъёрларга асосланади.

Италия БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг "Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида"ги, "Қуллик тўғрисида"ги, "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танлашуришдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияларни ва бошқа кўпгина халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Одам савдоси учун жиноий жавобгарлик Италиянинг турли қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Хусусан, Италия Республикаси Жазолар тўғрисидаги кодексининг 535, 536 ва 537-моддаларида шахсни чет давлатга олиб бориб, мажбурлаш, қўрқитиш ёки алдаш йўли билан уни фоҳишабозлик билан шугулланишга мажбурлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.


1958 йилдаги 75-сонли "Мерлини қонуни", деб номланган ҳужжатга кўра, одам савдоси билан шугулланганидан шахснинг хулқ-атворида алдаш ёки мажбурлаш ҳолатларининг мавжудлиги ёки йўқлиги факти бўйича жиноий жавобгарликка жалб қи-

лишда ҳар қандай чеклашни ман этилади. Бироқ бу қонун айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, аслида фоҳишабозлик мақсадида амалга ошириладиган ихтиёрий миграцияни тақиқлайди ва одам савдоси ҳамда одам ёлловчиларни тегишли даражада таъқиқ этишга олиб келмайди.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор давлатларнинг Жиноят кодексига одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан бирга, болалар савдоси учун жавобгарликни белгилувчи нормалар ҳам мавжуд бўлиб, алоҳида моддада келтирилган. Мисол учун, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида ("Вояга етмаганлар савдоси"), Грузия Жиноят кодексининг 172-моддасида ("Вояга етмаганлар савдоси"), Испания Жиноят кодексининг 222-моддасида, Қозғистон Республикаси Жиноят кодексининг 133-моддасида ("Вояга етмаганлар савдоси"), Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддасида ("Болалар савдоси"), Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 18-бўлим, 236-моддасида ("Болалар савдоси"), Эстония Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддасида (Болани олиш-сотиб) болалар савдоси учун жавобгарлик белгиланган. Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги илғор амалиётларни мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этиш зарурияти ҳам болалар савдоси учун жавобгарликни белгилувчи нормаларни мустақил норма сифатида алоҳида моддада шакллантирилишини тақозо этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, одам савдосини фож этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарлигига доир нормаларни халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабига янада мувофиқлаштириш лозим.

Саломат НИЁЗОВА,
Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, кримнология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессор вазифасини бажарувчи, Юридик фанлар доктори.



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Алимент тўламаганлик учун қандай жавобгарлик бор?

— **МЕН алимент пулини 3 ойдан бери ололмаёпман. Кимга мурожаат қилсам бўлади? Алимент тўламаганлик учун қонунчиликда қандай жавобгарлик бор?**



— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик — ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қamoқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдоридан жарама солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиқни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ишга киришда дастлабки синов кимларга қўлланилмайди?



— **2019 йилда олий ўқув юртини тамомладим. Яқинда ишга кирдим. Раҳбар менга 3 ой дастлабки синов муддатини қўйди, шу тўғрими?**

— Меҳнат кодексининг 84-моддаси, 3-қисмида дастлабки синов муддати жорий қилинмайдиган шахслар доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра, қуйидагиларга синов муддати жорий қилинмайди:

- ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;
- корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда;
- олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинган шахсларга.

Уйланишим керак бўлган қиз 17 ёшда...


— **ДАДАМ бетоб, тўйни тезлатиб, уйланишим керак, лекин мен уйланадиган қиз 17 ёшда, муддатидан олдин никоҳ қуришга қонун йўл қўядими?**



— Оила кодексининг 15-моддасига асосан, мамлакатимизда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган. Бўлажак турмуш ўртоғингиз юқорида белгилаб қўйилган никоҳ ёшига тўлмаганлиги учун, у никоҳдан ўтишга ҳақли эмас.

Оила кодексининг юқоридаги 15-моддаси 2-қисмига кўра, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомаласига лаёқатли, деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Ишхонам номзодлик диссертациясини ёқлашимда шароит яратиши керакми?



— **ЛИЦЕЙДА ўқитувчи бўлиб ишлайман. Мен номзодлик диссертациясини ёқламоқчиман. Директоримиз ўқишга кетсанг лавозимингдан оламан. Ўз ҳисобингдан ўқийсан, деди. Раҳбаримнинг ҳаракатлари тўғрими? Бу даврда менга қандай имтиёзлар белгиланган? Таътил олсам иш жойим ва машинам сақланадими?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қароридан ижодий таътиллари бериш тартиби белгиланган.

Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга муваффақиятли олиб борувчи шахслар учун илм толибларига номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш диссертацияларини, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар қўлёзмаларини тугаллашлари учун муаллифларга шарт-шароитлар яратиш мақсадига асосий иш жойларидаги ўртача ойлик иш ҳақлари ва лавозимлари сақланган ҳолда:

— номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача таътил берилиши белгиланган.



Саволларга "Мадад" ННТнинг Янгиқўрғон туман ҳуқуқий наслахат бюроси бош мутахассиси **Акрамжон УСМАНОВ** жавоб берди.

Уй-жойни қонуний расмийлаштириш тартиби қандай?

— **ҚАЙНОТАМ оламдан ўтди. Ҳеч кимга васиятнома қолдирмаган. Уй-жойи ва дала-ҳовлиларини турмуш ўртоғимнинг номига расмийлаштириш тартиби қандай бўлади?**



— Мерос таркибига кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хусусий мулк ҳуқуқи, омонатлардаги маблағлар киради. Агар марҳум васиятнома қолдирмаган бўлса, масала қонун бўйича ворислик тартибида ҳал этилиши лозим бўлади. Бунда қонуний меросхўрлар Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида аниқланадиган. Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига мувофиқ, марҳумнинг болалари ва турмуш ўртоғи тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтганидан кейин берилади. Агар нотариус мурожаат қилувчидан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

УЧКУДУҚЛИК ҲАМШИРАЛАР НИМАДАН НОРОЗИ БЎЛДИ?



УЧКУДУҚ туман тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлими ҳамширалари Л.Ходжимова ва бошқаларнинг иш ҳақи тўланишидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқлинишича, Вазирлар Маҳкамасининг "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низом талаблари бузилган.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этиладиган давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича шошилчи ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари 4-гuruhга кириши ҳамда тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамширалари таъриф ставкасига 1,15 тизимли коэффициентини микдорда устама тўланиши кўрсатилган бўлса-да, Низом талабларига риоя қилинмаган.

Қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти номига тақдимнома киритилиб, 18 нафар ҳамширага 2020 йил давомида тўланмай қолган устама пуллари тўлаб берилди.

Йигитали ЭРМАМатов,
Учқудуқ туман адлия бўлими бошлиғи

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ НЕГА РАД ЭТИЛДИ?



УРГАНЧ шаҳрида фуқаро Б.Абдурахмановга Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Урганч шаҳар бўлими мансабдор шахслари томонидан имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш рад этилди. У бундан норози бўлиб шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Аниқлинишича, фуқаро Б.Абдурахмановнинг имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини 25 йил 11 ой 23 кунни ташкил қилган. У "Иссиқлик тармоқлари" УҚда иссиқлик тармоғи хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш чилангари лавозимида ишлаган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли "Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимлар, кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг 5-банди, 3-сон рўйхатнинг 1-қисмида назарда тутилган ишчилар, касблар ва лавозимлар имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан, агар уларнинг меҳнат шартлари рўйхатларда кўрсатилган шартларга мос бўлса фойдаланади. Ушбу мослик ташкилотларда иш ўринларининг аттестация қилиш билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланиши лозимлиги келтирилиб, унинг махсус иш стажини шундан иш ўринлари аттестация натижалари билан тасдиқланган иш стажини 10 йил 8 ой 15 кунни ташкил қилишини кўрсатиб, унга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мурожаатни ўрганишда, БТПЖ Урганч шаҳар бўлими мансабдор шахслари томонидан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги аниқланиб, фуқаро Б.Абдурахманов манфаатида Урганч шаҳар маъмурий судига БТПЖ Урганч шаҳар бўлими пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2020 йил 2 мартдаги 292-сон қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш, имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризаси киритилган ва ҳозирда мурожаатчи фойдасига суд қарори қабул қилинган.

Оллаберган ЮСУПОВ,
Урганч шаҳар адлия бўлими бошлиғи

19 ЙИЛЛИК МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ



Ҳўчи тумани Ҳожиобод МФЙда яшовчи Ф.Ибрагимов (исми фамилияси шартли равишда ўзгартирилган) ҳозирда 19 ёшда, бироқ у ҳалигача туғилганлик гувоҳномасига эга эмас. Нега деган ҳақли савол туғилади?

Ушбу мурожаат Ҳўчи туман адлия бўлимига томонидан атрофлича ўрганилди ва аниқландики бундан 19 йил аввал яъни 2001 йилда Т.Ибрагимов ҳамда Д.Ибрагимовлар ўзлари яшаб турган хонадонига номаълум шахслар томонидан ташлаб кетилган чақалоққа ота-оналик меҳрини бериб, тарбия қилганлар. Бироқ болани топиб олганликларини ҳеч кимга, шунингдек, боланинг ўзига ҳам билдирмаслик учун ҳужжат ишларини охирига етказмаганлар.

Бу масалада онаси Д.Ибрагимова томонидан туман ҳалқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомиёлик органига, туман ФХД бўлимига, туман маъмурий судига, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судига қилинган мурожаатлар ўз ечимини топмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Адлия бўлими томонидан аниқланган ҳолатлар ва тўлланган ҳужжатларга кўра тегишли судга Ф.Ибрагимовнинг манфаати юзасидан арза киритиш лозим деб топилиб, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судига туғилганлик фактини белгилаш тўғрисида ариза киритилди.

Суд аризачи ва манфаатдорлар, гувоҳларнинг суд мажлисида берган баёноти асосида ҳамда Суд экспертиза илмий-амалий маркази Қайта комиссия ва комплекс экспертизалар бўлими ҳулосасига таяниб аризани қаноатландирди. Ф.Ибрагимовни 2001 йил 10 март куни туғилганлик факти белгилиб, бир неча йиллик оворагарчиликка барҳам берилди.

Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,
Ҳўчи туман адлия бўлими бошлиғи

ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИ ХАТО ҚИЛДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро Д.Т.нинг Мажбурий ижро бюроси Нукус шаҳар бўлими томонидан жорий йилнинг январь ойига қадар алимент пуллари ундирилганлиги, аммо турмуш ўртоғи А.Р. Нукус шаҳрида истиқомат қилса ҳам, пропискадан Қозоғистон Республикасига чиқиб кетганлиги баён этилиб, суд ҳужжатлари қайтарилганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Яъни, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2019 йил 22 майдаги суд буйруғига асос қарздор А.Р. ундирувчи Д.Т. фойдасига тарбиясидаги фарзандларининг таъминоти учун улар вояга етгунга қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 бўлими микдорда алимент ундириш тўғрисида ижро ҳужжати Бюронинг Нукус шаҳар бўлими юритувиги 2019 йил 18 июнда келиб тушган ҳамда ижро ишга кўзғатилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор томонидан 2019 йил 6 сентябрдан жорий йилнинг 24 февралига қадар жами 960.000 сўм алимент пули почта алоқа хизмати орқали тўлаб келинганлиги ва давлат ижрочисининг 2019 йил 21 ноябрдаги қарздор Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишга вақтинча чеклаш тўғрисида қарори қабул қилинган бўлиб, Давлат хавфсизлик хизмати чегара бошқармаси ва Ички ишлар вазирлигига бажариш учун юборилганлиги, шунингдек, норасмий маълумотга кўра, қарздор чет элга яшаш учун доимий пропискадан чиқиб кетганлиги муносабатин билан 2020 йилнинг 3 март куни ижро ишнинг тамомлаш ва ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарор чиқарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қарздор А.Р.нинг яшаш манзиллари тўғрисида берилган маълумотида, фуқаро А.Р. 2013 йил 30 майда Қозоғистон Республикасига доимий пропискадан чиқиб кетганлиги, 2013 йил 30 майдан 2021 йилнинг 11 июнь кунига қадар Нукус шаҳридаги тураржойларида вақтинчалик ҳисобга қўйилганлиги билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа

органлик ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддасида, агар қарздорнинг манзилини ёки унинг мол-мулки жойлашган жойини аниқлаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлар турганлиги ёки сақланаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаса (ушбу Қонунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ижро ҳужжатлари ундирувчига қайтарилиши кўрсатилган.

Мазкур Қонуннинг 42-моддасида эса, алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ёхуд боқувчисининг вафоти натижасида зиён кўрган шахсларга

зарарни тўлаш, зарарни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги, шунингдек, болани олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг турган жойи ҳақида маълумотлар бўлмаганда, давлат ижрочиси ўз ташаббуси билан ёки ундирувчининг аризасига кўра қарздорни қидириш тўғрисида қарор чиқаради, қарорни катта давлат ижрочиси тасдиқлайди. Бу ҳолда давлат ижрочиси қарздорнинг мол-мулкини ёки болани қидириш тўғрисида қарор чиқаради, деб кўрсатилган.

Шундан қилиб, давлат ижрочиси томонидан қарздор жорий йилнинг 24 февраль кунига қадар алимент, нафақа пуллари ундирилиб, 2019 йил 21 ноябрда қарздор Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишга вақтинча чеклов қўйилган бўлса-да, қарздор 2013 йил 30 май куни чет элга доимий яшаш учун ҳисобдан чиқиб кетганлиги учун ноқонуний равишда алимент пуллари ундириш бўйича Минск конвенцияси талабларига асосан судга мурожаат қилиши лозимлиги тўшунтирилиб, 2020 йил 3 март куни алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати қайтарилган ва ундирувчининг овора бўлишига йўл қўйилган.


"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомда, адлия органлари фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларга бажариши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилиши назарда тутилган.

Киритилган тақдимнома асосида давлат ижрочисининг 2020 йил 3 март кунги ноқонуний равишда чиқарилган қарори Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2020 йил 19 август кунги қарори билан бекор қилиниб, ижро учун Бюронинг Нукус шаҳар бўлимига юборилди ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланди.

Амангелди АБАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

ОДАТДА оммавий ахборот воситаларида суд очерклари ёритилаётганда ундаги “қахрамон”ларнинг исм-шарифлари ўзгартирилиб берилади. Қарангки, шу ерда ҳам юз-хотир қиламиз, унинг шаънини ерга ургимиз келмайди. Аммо мазкур суд очеркини ёзишда бу қолипдан бироз четга чиқдим. Яъни, бунда “қахрамон”лар ясама эмас, асл ҳолича келтирилган.

2019 йилнинг бешинчи январи Э.Захидовнинг кундалигига қувончли ва омадли кун бўлиб ёзилди. Айни шу кун у Юнусобод тумани ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Энди Э.Захидовнинг зиммасига ўзига яраша масъулият ва мажбурият ҳам юкланди. Бундан ушбу эса, ўринбосарнинг иш тажрибаси, билим ва кўникмалари, ташаббусларига боғлиқ. Ҳа, Э.Захидов аввалга зиммасидаги вазифаларни рисоладагидек олиб бораётган эди. Аммо. Аммо...



ҲОКИМГА МУОВУН ТУШДИ — Қўйнидан қовун тушди

НАФСНИНГ БУЗИЛИШИ

Э.Захидов ҳоким ўринбосари бўлиш билан бирга, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларга эгаллик ҳуқуқини бериш бўйича туман комиссиясининг раиси ҳам эди. У айни шу жиловни қаттиқ ушлади. Чунки шу масалада кўплаб мурожаатлар бўлаётган, керак, бўлса ишни битириш эвазига катта-катта миқдордаги пуллар ҳам таклиф қилинаётган эди. Айни шу масалада ҳоким ўринбосарининг нафси бузилди. У эътиборини анча вақтдан буён ҳал қилинмай келинаётган мурожаатга қаратди. Мазкур мурожаат Р.М. ва унинг турмуш ўртоғи И.М.га тегишли бўлиб, улар ўзларига тегишли бўлган Юнусобод тумани, Гуллола тор кўчаси, 26А-уй манзилида ўзбошимчалик билан қурилган тураржой объектга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш бўйича эди.

Э.Захидов юқоридаги мурожаатни ўрганиш мақсадида объект жойлашган маҳалла раиси билан биргаликда уни кўздан кечиради. Шу ернинг ўзида мурожаат эгаси Р.М.ни ҳам чақиради. Чақирувга асосан етиб келган Р.М. ҳоким ўринбосарига дардини тўкиб солади. Яъни, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойига нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун бир неча бор мурожаат қилганлигини аммо ҳаракатлари бесама қаратилганидан ёзгиради. Ўринбосар эса бунга жавобан Р.М.га дўқ уради. “Сиз бу жойни ноқонуний эгаллаб олгансиз, Сизнинг ҳаракатларингиз қонунга хилоф...” дўқ-пўпи-салардан сўнг Э.Захидов Р.М.га соат 16:00 да хизмат хонасига етиб келишини, қолганини ўша жойда гаплашишини айтади.

ТАКЛИФ

Р.М. шу кунни айтилган вақтда Юнусобод туман ҳокимлиги биносига етиб боради. Аммо учрашув кечкурун саккизда бўлиб ўтади. Учрашув давомида ҳоким ўринбосари Р.М.га очиқчасига гаплашишни таклиф қилади. Ўринбосарнинг ўзи ҳам нарх-наволарни очиқчасига келтиради. Яъни, бугунги кунда Р.М.ни ўзбошимчалик билан қурилган ер-участкаси жойлашган ҳудудда бир сўтих ер 10 000 доллар туришини, ўзбошимчалик билан эгалланган ер саккиз сотихни ташкил қилишини, шундан келиб чиқиб айтганда мазкур муаммоли ер 80 000 доллар бўлишини айтади.

Ўринбосарнинг бу таклифини эшитган Р.М.нинг юзидан қони қочади, менда бунча пул йўқ, дейди. Ўринбосар Р.М.га бу борада шошмаслиқни, яхшилаб ўйлаб кўришни айтади. Хуллас, ўртадаги савдо 5 000 долларга пишади. Шундан сўнг ҳоким ўринбосари ўзбошимчалик билан қурилган ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни тайёрлашга, фуқаро Р.М. эса келишилган пулни топишга киришади.

Шу орада Р.М. муаммоли ер участкаси билан туташ бўлган участкага Шавкат ака билан кўришиб қолади. Унга бошидан кечирганларини айтиб беради. Аслида, Шавкат аканинг ҳам участкасида шу муаммо эди. У ҳам ўз участкасини қонунийлаштириб олиш кераклигини, иложи бўлса ҳоким ўринбосари билан гаплашиб кўришни илтимос қилади.

Р.М. яна ҳоким ўринбосарининг қабулига боради. Ўзига анча яқин олиб қолган ўринбосар Р.М.ни хонасига таклиф қилади. Бу галги муҳокамада Шавкат аканинг ноқонуний эгаллаб олган участкаси кўрилади. Ўринбосар бунга ҳам ҳал қилишини айтади, хизмат ҳақи эса 3 000 долларга айланади. Томонлар ўзаро келишувга рози бўлишади.

ОЛДИ-БЕРДИ КУНИ

Р.М. сўнгги кунларда бошидан кечирганларини ўйлар экан, қилаётган ишлари алал-оқибат ўзига ҳам жабр бўлишини ўйлади. У эртасига, яъни 2019 йилнинг 10 октябрь кунини Тошкент шаҳар Давлат хавфсизлик хизматига бориб, Юнусобод туман ҳокимининг ўринбосари Э.Захидовнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан ариза билан мурожаат қилади.

10 октябрь кунини Р.М. яна ўринбосар билан кўришади. Ҳоким ўринбосари ундан келишилган пулларнинг тайёр ёки тайёр эмаслигини сўрайди. Р.М. 5 000 долларни тайёрлигини айтиб, кўниси Шавкат ака 3 000 долларни эса бир ҳафта муддатда беришини билдиради. Иштакаси очилган ўринбосар бир ҳафта муддат жуда узоқлигини уқтириб, тезлаштириш кераклигини таъкидлайди.

11 октябрь кунини Р.М. ва ҳоким ўринбосари муаммоли ер участкасида учрашади. Ўринбосар ерни қайта ўлчагандек бўлади. Шундан сўнг ўринбосар муаммоли ер эгасидан 5 000 долларни шу ерда беришини айтади. Аммо Р.М.

пул ёнида эмаслигини, айтган жойига олиб боришини тушунтиради.

Ўринбосар Р.М.га пулларни кеч соат саккизда хизмат хонасига олиб келишини уқтириб, ўз ишига жўнаб кетади.

Шу куннинг ўзида Тошкент шаҳар Давлат хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратура ҳузурдаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамкорлигида тезкор тадбир уюштирилади. Ва Р.М.га махсус ишлов берилган 5 000 доллар тутқизилади.

Р.М. айтилганидек кеч соат саккизда ўринбосар қабулида ҳозир бўлади. Уни кутиб турган ҳоким ўринбосари хонасига чорлайди. Келишилганидек, Р.М. ўринбосарга 5 000 долларни кўш-қўлаб топширади. Ўзини катта ишни қойил қилгандек тутиб турган ўринбосар Р.М.га кўшнингиз ҳам тезлаштирсин, ҳужжатлар келаси ҳафта қўлида бўлишини айтиб, Р.М.нинг кетишига изн беради.

Осон йўл билан мўмайгина даромад қилиб, ширин хаёллар оғушида эндигина курсисига елка ташлаган ҳоким ўринбосарининг хаёлини ҳуқуқнинг муҳофаза қилувчи орган ходимларининг кириб келиши чалғитиб юборди.

Ҳа, ҳоким ўринбосари инкор этиб бўлмас далиллар билан қўлга тушди. Унинг ширин хаёллари бир зумда ҳал-ёлда эмас, ўз ҳаётида зулматга айланди-қолди...

Суднинг тегишли қарорига асосан Юнусобод туман ҳокими ўринбосари Э.Захидовга уч йилга олти ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ЭСЛАТМА

Ўтиб бораётган кунлар, ойлар, йиллар давомида қулгоғимизга тез-тез чалиниб турадиган шундай гаплар бор: фалончи ҳокимistonчининг уйини буздириб ташлади, фалончи ҳокимistonчининг дўконини сурдириб ташлади ёки фалончи ҳокимistonчининг ходимиistonчинга ер ажратиб бераман, дея пора сўради...

Жаноб ҳокимлар, ҳокимлик ходимлари! Бу ер сизларга отангиздан қолган мерос эмаски, уни хоҳлаганда сотиб ёки тортиб оладиган. Сизларнинг вазифангиз ўз худудингиздаги халқнинг кўнглини олиш, уларнинг дардига қўлоқ тутиш, яхши-ёмон кунда елкадош бўлишдир.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Суд залига етаклаган капсулалар...

ЖИНОЯТНИНГ тури минг хил, тафсилоти минг хил, “формуласи” янгидан-янги... *Жиноятчиларнинг касби-қори, миллати, ёши турлича. Аммо жиноятчининг нияти қора, юзи қора.*

Жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг очиқ суд мажлисида ана шундай жиноятлардан бири кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда сотган шахсга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди.

Жиноят тафсилотларига кўра, 1993 йилда туғилган Нурмат Шодиев (исм-шарифи ўзгартирилган) Хатирчи тумани ҳудудида жойлашган дорихонада таъсисчи бўлиб ишлаб келиб, 51 дона “PERGE 300 mg KAPSUL Pregobalin” дори воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келади ва 2020 йил 28 май кунини “А” исмли шартли шахсга 135.000 сўм эвазига прегабалин моддасини сотган вақтида ушбу модда ҳолислар иштирокида далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинади.

Бундан ташқари, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ҳамда вилоят давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори — 2020” тезкор профилактик тадбири давомида 2020 йил 29 май кунини Н.Шодиев фольгааланган юзасида “aris REGAPEN 300 mg Pregabalin 19081772 07 2021” ёзувли олти дона конвалюлардаги 42 дона таркибда прегабалин моддаси бор бўлган рангли капсулаларни, яъни 12,6 граммни ташкил қилган кўп миқдордаги прегабалин моддасини 1.815.000 сўм эвазига сотганлиги аниқланади.

Шунингдек, унинг дорихонаси кўздан кечirilганда “aris REGAPEN 300 mg Pregabalin 19081772” ёзувли бир дона конвалюта бўлағида 6 дона прегабалин капсулалари борлиги аниқланади.

Прегабалин моддаси — Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига кўра, кучли таъсир қилувчи моддаларга кириши кўрсатилган бўлиб, прегабалин моддасини республика ҳудудида махсус рецетсиз муомалага киритиш тақиқланган.

Нурмат Шодиев содир қилган қилмиши билан Жиноят кодексининг 251-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этди. Бу эса 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашга асос бўлади.

Аммо судда Н.Шодиев айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, қарамогига вояда етмаган фарзанди ва турмуш ўртоғи борлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланишини билдирганлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Хатирчи туман бўлимининг раиси томонидан Н.Шодиевга нисбатан энгиллик беришни сўраб келтирган илтимосномаси жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий қамайтирувчи ҳолатлар, деб топилиб, 3 йилга 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди ҳамда тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик ва яшаш жойини ўзгартирмаслик каби чекловлар белгиланди.

Айни навқирон ёшда бўлишига қарамасдан бойлик орттириш илминда дори савдоси билан ноқонуний равишда шугулланган бу йигит бундай инсонпарварликдан ижобий ҳулоса чиқариб, тўғри йўлга кирган бўлса, ажаб эмас.

Алишер САЙДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди судьяси

ТЕГИШЛИ тадқиқотчи олимларнинг эътироф этишича, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ-манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизими такомиллашуви, одил судловни самарали таъминлаш борасида тарихий ҳужжат бўлди.

СУДГА КЕЛМАСДАН ҲАМ СУД ПРОЦЕССИНИ КУЗАТИШ МУМКИН

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, чунончи суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида 2020 йил 3 сентябрда эса "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам қабул қилинди.

Мазкур Қарорда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг навбатдаги қатор вазифалари белгиланди.

Жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, муурожаатлар кўрилаётганини онлайн кузатиб бориш таъминланади.

Шунингдек, Процессуал кодексларда суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли, эканлиги қайд этилган.

Шу нуктаи назардан, эндиликда судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтирилади. Бу орқали суд ишларини қисқа муддатда кўриб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Суд залига келмасдан, яъни масофадан туриб, қўлимиздаги шахсий мобил қурилмаларимиз орқали суд процессларида иштирок этиш имконияти кенгайтирилади, тарафларга суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти яратилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлислари тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг рухсати билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб борилади, суд мажлислари баённомалари ҳам шу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ҳам ишлар судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимланади.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчилар суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали ҳам бепул асосда хабардор қилинади.

Кейинги йилдан бошлаб эса фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қўлайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Қарор билан судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш буйича "Йўл харитаси" тасдиқланган бўлиб, унга кўра, 28 та давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига бошқичма-бошқич улаш, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш, муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш, жарималарни қамайтириш масалаларини кўриб чиқишда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкий ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотларни олиш, алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни электрон шаклда олишга эришилади.

Шу билан бирга 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига "Адолат" ахборот тизимлари комплекси жорий этилади. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳужалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятлари фақат электрон шаклда тақдим этилади, манфаатдор шахслар даъво, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш имкониятига эга бўлади, суд ҳужжатлари ҳам ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантирилади.

Бундан ташқари, Қарорга асосан жорий йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцапола режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастур ишлаб чиқиши ва уни амалиётга ҳам жорий этиш белгиланди. Яъни, эндиликда суд процесслари тарафларни масофадан туриб, мобил дастур асосида ҳам сўроқ қилиш, баёнотларини тинглаш орқали ҳам амалга оширилади.

Эътироф этиш жоизки, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳбуслар ҳам махсус хонадан туриб суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида бўлаётган видеоконференцапола режимида иштирок этишлари мумкинлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг янги ва олий кўриниши, десак, муболага бўлмас.

Ойбек ҚОДИРОВ,
фуқаролик ишлари буйича Бухоро вилоят суди раиси ўринбосари

КЕЙИНГИ йилларда республикамизда коррупция қўламини кескин қамайтириш, унга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмақда.

Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, **Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди ва Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш буйича вазифа ҳамда ваколатлари белгилаб берилди.**

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларнинг давоми сифатида ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳомадаси порталида (regulation.gov.uz) Вазирлар Маҳкамасининг "Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" қарор лойиҳаси эълон қилинди.

Ушбу "Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом фуқаролар орасида кенг муҳомадаларга сабаб бўлмақда.

Маълумки, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 37-моддасида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш белгиланган.

БМТнинг ушбу Коррупцияга қарши конвенцияси назарда тутилган рағбатлантириш чоралари юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Корея, Руминия, Сербия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланганлиги кўриш мумкин.

Ушбу мамлакатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш борасидаги бу каби чора-тадбирлар фуқароларни кенг жалб қилишга, уларнинг фаоллигини ошириш билан бир қаторда, коррупцияга оид жиноятлар сонининг кескин камайишига ижобий таъсир қилган. Биргина Қозоғистон Республикасида 2017-2019 йилларда давлат бюджетидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган рағбатлик учун 708 нафар шахс 99 миллион тенге (2,4 миллиард сўм), жорий йил 1-чорагида 44 нафар шахс 7,2 миллион тенге (176,6 миллион сўм) билан рағбатлантирилган.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги хорижий давлат тажрибаларидан келиб чиқиб, Низом билан мамлакатимизда қуйидаги тартиб белгиланмақда:

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун фуқаролар, нодавлат тижорат ташқи-



КОРРУПЦИЯ ҳақида хабар берганлар рағбатлантириладими?

лоти, давлат органи ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини рағбатлантириш. Ушбу тартибга кўра, фуқаролар ва давлат хизматчилари бирор соҳада тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли органларга хабар беришлари мумкин.

Ўз навбатида, фуқаролар ва давлат хизматчиларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги суднинг айблов ҳужми ёки Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси, 1-қисми, 1-3-бандлари, 3-қисми ва 5-қисми, 1-банди буйича жиноят иштини тугатиш ҳақидаги қарор (ажрим) кучга кириши ёхуд қидирувни бекор қилиш ҳақида қарор (ажрим) қабул қилиниши асосида рағбатлантириш назарда тутилган.

Рағбатлантириш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий ҳавфлигидан келиб чиқиб, бюджетдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 25 бараваригача, пора ёки зарар суммаси БҲМнинг 100 бараваридан ошган тақдирда пора (зарар) суммасининг 15 фоизгача миқдорда пул мукофоти назарда тутилган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Унга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш масаласи ҳудудий махсус комиссиялар ҳамда Республика махсус комиссияси томонидан кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Низомда коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси: "Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш", 1931-модда: "Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш" ва 1932-моддаси: "Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши" назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган.

Шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар учун Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш), 2-қисми, "г" банди, 168-моддаси (фирибгарлик), 3-қисми,

"в" банди, 192¹⁰-192¹⁰-моддалари (тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар), 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш), 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги), 210-214-моддалари (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши), 243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш)да назарда тутилган жиноятни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳамда 301-моддаси (ҳарбий мансабдорлик билан боғлиқда кўрсатилган жиноятлар учун белгиланган).

Бундан ташқари, коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берганлик ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашганлик учун ташақкурнома, эсдалик совғаси шаклида рағбатлантириш, шунингдек, шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофоти ҳам тавсия этилиши белгиланган.

Мазкур Низом мансабдор шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашувчи шахслар, қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилган ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни бевосита содир этган шахсларга нисбатан таътиб этилмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу Низомнинг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли ва давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашга кенг жалб қилишга, уларнинг фаоллигини оширишга ва коррупцияга оид жиноятларнинг кескин камайишига эришишга хизмат қилади.

Равшан НУРМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сибсат тадқиқот
институтини масъул ходими

Эдгар ПО (АҚШ)

ЮРАК

РОСТ, мен жаҳлдор одамман. Ўлгудек асабим чатоқ. Аввалдан шунақа эдим. Тарки одат — амри маҳол. Лекин Сиз мени ақлдан озганга чиқараётганингиз инсофдан эмас. Бу касаллик менинг эҳнимни ўтмаслаштиргани йўқ, аксинча, уни янаям чархлади. Хусусан, эшитиш қобилиятини янаям оширди. Эҳ-ҳе, ер тагидан осмон тоқигача ҳар қандай товушни илғай оламан. Ҳатто, дўзахдаги нарсаларни ҳам эшитганман. Қанақасига мен жинни бўлай? Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан айтиб берай. Сиз диққат билан эшитинг, ўзимни қандай тутишимга, нутқимга ҳам эътибор қилиб туринг-да!

Бу гап калламга қайси гўрдан келди — билмайман. Лекин шу нарса хаёлимни олди-ю, кечаю кундуз орому қарорим йўқолди. Очиги, бу ишда чолнинг ҳам ҳеч бир дахли йўқ эди. Унга нисбатан адоватим ҳам бўлмаган. Яхши кўрадим уни. Уям бирон марта мени оринтирмаган. Унинг пулига ҳам кўз олайтирганим йўқ. Менимча, гап унинг кўз қорачиқларида эди... Ҳа, шунақа. Унинг бир кўзи иккинчисидан ажралиб турарди. Худди сувдек тиниқ ва кўкитир, худди оқиш ва шаффоф парда билан қоплангандек эди. Ана шу кўзларни жуда ёмон кўрадим. У менга қараган пайтида қоним гупуриб кетарди! Хуллас, чолнинг бу совуқ кўзларини умуман кўрмаслик учун уни тинчйтиш фикри менда қачон пайдо бўлгани ёдимда йўқ.

Сиз эса, мени қил-қизил жиннига чиқариб ўтирибсиз. Телбалар фикрлай олмайдирлар-ку! Сиз менга синчиқлаб қаранг-чи? Қаранг, мен бу ишни қилишдан аввал ҳаммасини пухта ўйлаб, режалаштириб, паст-баландини ҳам ҳисобга олиб чиққанман. Қотилликдан бир ҳафта олдин мен чолга нисбатан шунақа меҳрибон бўлиб қолган эдимки, шу пайтга қадар унга бунақа яхши муомала қилмаганман. Кечалари, ярим тунда унинг эшигини қия очиб, ичкарига мўралардим. У эса, ҳеч балони сезмасди. Эшикни каллам сизгадиган даражада очардим-да, ичкарига ҳар томони бекитилган силри фонар нурини бир чизикда иккинчилардим, кейин эса, калламини суқиб қарардим. Уша ҳолатни Сиз ҳам кўрганингизда ўзингизни тутолмай кулворлардингиз.

Мен чолни ўлгивормаслик учун секин илгарилардим. Бошимни тўшакдаги чол кўра оладиган даражада ичкарига суқиш учун ярим соатча вақт кетарди. Ҳеҳ, бунақа шумлиқлар жинни одамнинг этти ухлаб тушига кирмайди, мен Сизга айтсам. Калламини ичкарига олганидан кейин секин-аста фонар нурини оча бошлардим. Ёруғлиқни унинг қақир кўзларига гоўл усталик билан тўғирлардим.

Мен антика машқларни ролп-пара-роса етта кун давомида, яна

денг, қоқ ярим тунда бажарардим. Бироқ унинг кўзлари ҳар гал юмқ бўларди, мен эса, чолни эмас, унинг ана шу савил кўзларини ўлгудек ёмон кўрадим. Тонг отиши билан ҳеч нима бўлмагандай чолнинг ёнига кириб, у билан апоқ-чапоқ сўрашардим, унинг соғлиги, кайфияти билан кизиқардим. Кўриб турибсизки, чол ярим оқшом қиладиган галати ишларини ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Саққизинчи оқшом мен унинг эшигини ҳар кунгидан каттароқ очдим. Мен шу пайтга қадар бунчалик туйғун бўлмагандим. Ҳатто, юрагим ҳам ўзини сездириб қўймаслик учун секин тепаётгандай эди. Англашимча, у менинг хуфия рафторим ҳақида на ўнгида, на тушида билолмасди. Шу фикр хаёлимга келиши билан беихтиёр ҳиринглаб юборсам бўладими? Чол овозимдан уйғониб кетди чамамда, каравотидан сапчиб турди-да, қўрққанидан аланглай бошлади. Узингиз ўйлаб кўринг, бунақа пайтда нима қилиш керак? Тўғри, мен ҳам шартта ўзимни орқага олдим. Ўзимни курсатмасликка тиришиб секин-аста эшикни ўзимга торта бошладим.

Кейин калламини ичкарига суқиб, фонарни тўрига йўналтираётганимда бармоқларим парда тутқичидан сирғалиб, қаттиқ овоз чикарди. Чол эса, жойидан бир сапчиб, бақириб юборди: "Ким бу?"

Жойимда қотиб қолдим, дамим ичимга тушиб кетди. Чол яна ўрнига ётиши учун бир соатлар чамаси қимирламасдан, жим турдим. Чол худди мен ҳар оқшом деворга қулоқ тутиб чирилдоқ кўнғизнинг овозини эшитгандек, каравотида жим ўтириб қулоқ сола бошлади.

Шу чоқ унинг қаттиқ ух тортганини эшитдим ва бу ўлим олди хўрсиниғи эканини пайқадим. Чунки оғриқдан ҳам, гамдан ҳам бунақа чуқур оҳ тортиш мумкин эмас. Бу нола фақат қўрқув ғарқ этган юракнинг туб-тубидан чиқиси мумкин эди. Мен биламан-да бунини! Ҳар гал соат ўн иккига бонг урганда, менинг ҳам даҳшат тўла қалбимдан ана шундай ғайритабиий ўн отилиб чиқарди. Шу боис ҳозир чолнинг ахволини тушуниб, унга ҳатто раҳимин ҳам келди. У кўзларини юммасдан тўшакка ёнбошлаган пайтида бу қўрқув уни тарк этмаганди. У ўзини ҳеч нарса бўлмаганига ишонтиргиси келар, лекин бунинг уддасидан чиқа олмасди. У гўё шунчаки, камин мўрқонида шамол ўйнапти, сиқонлар у ёқдан-бу ёққа югурапти, дея ўз-ўзини чалғитишга тиришарди. Бироқ буларнинг ҳеч бири наф бермаётгани аниқ эди. Чунки қорал зулмат чодирга ўралиб келган ажал аллақачон ўз қўрбони узра қўланқасини ташлаб улгурганди.

Мен уни узоқ кузатиб турдим,

ҳеч нарса эшитилмасди. Шунда мен фонарни ёқиб жудаям кичкина нур толасини эҳтиёткорлик билан унинг қушникига ўхшаш кўзларга тўғриладим.

У мудҳиш кўкитир кўзларини катта-катта очиб, ўрғимчак тўридек ингичка нур толасига тикиларкан қорачиқларида газабга ўхшаш аломат кўрдим. Унинг мени асабимга мислсиз азоб берадиган нигоҳларига кўзим тушиши билан миямнинг суякларига қадар музлаб кетдим: айни пайтда мен чолни ҳам, унинг даҳшатга беланган юзини ҳам қўролмас, чунки шуълани фақат унинг малъун кўзларига ўнглаб турардим.

Шу чоқ қулогимга алланечук тушнарси, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллашига ўхшаган товуш ўқтин-ўқтин чалина бошлади. Бу оҳанг ҳам менга таниш эди. Чолнинг юраги шундай тепарди. Бу овоз аскарни уруш ноғораси жунбуш-қилтиргани каби менинг ҳам жазавамни кўзгади.

Бироқ мен ўзимни тутганча яшириниб турдим. Ҳатто, деярли нафас ҳам олмасдим ва қандай қилиб бўлмасин нури чолнинг кўзидан силжитмасликка ҳаракат қилардим. Бу пайтда эса унинг лънати юраги борган сари қаттиқроқ ура бошлади. Қария бемисл ваҳима измида эди. Юрак табиининг такатуми эса тобора балаңдлаб борарди. Айтдим-ку Сизга, асабим жуда чатоқ. Сокин туннинг ўлик сукунати тил-қалаётган бу ёввойи сас мени қанчалик ноқулай аҳволга солиб қўйганини тасаввур қила олмасизми? Шундай бўлса-да, бир неча дақиқа мен ўзимни ҳаракатсиз тутиб туришга қуч тола олдим. Юрак талотуми кучаяверди. Унинг юраги ортиқча бардош беролмайди, деб ўйловдим.

Шу чоқ яна бир ўткир ўй миямин тилиб ўтди: кўшни эшитса-я? Чолнинг кўни битган-ди. Қулоқни қоматга келтириб қичқирганча, фонарни бр бўйича очиб, хонага отилиб кирдим. Чол эса, бир марта, фақат бир мартагина инграй олди, холос. Мен уни судраб пол устидаги қилин тўшак устига олиб келиб ётқиздим. Узимча, мамнун илжайиб қўйдим. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди. Дақиқалар ортидан дақиқалар ўтиб борар, унинг юраги заифгина уриб турарди. Бу овоз энди деворнинг нариги томонига эшитилмасди. Ниҳоят тўхтади. Чол ўлди. Мен унинг устидаги кўрпани очиб жасадни кўздан кечирдим: чол ҳақиқатан ҳам ўлиб ётарди. Қўлимни узоқ вақт кўксига қўйиб турдим — юрак урмасди. Унинг манфур кўзлари энди мени ҳеч қачон безовта қилмайди.

Агар Сиз мени ҳалиям жинни, деб ўйлаётгани бўлсангиз, ўликни қандай қилиб саранжомлаганимни эшитсангиз, бу фикирингиздан тамоман воз кечасиз.

Тун ярмидан оққанди, мен эса, фурсатни бой бермай, эҳтиёт-корона ишга киришдим. Танани чолнинг хонасидаги уч дона пол тахтасини кўчириб олдим-да, унинг тагига жойладим. Кейин эса, яна аввалгидек тахталарни жой-жойига михлаб қўйдим. Ҳеч ким оддий кўз билан ҳеч нарса ни пайқай олмасди. Ҳеч нарсани ювишни ҳам ҳождати йўқ эди. Чунки мен бу ишни катта тоғорада усталик билан амалга оширган, бирор ерга бир томчи ҳам қон сачрамаган эди.

Соат тонги тўртга яқинлашиб қолган бўлса-да, хали кечасига ўхшарди. Кўнғироқ тўртинчи бор жом чалганида, кўча эшиги тақиллади. Ҳеч нарса бўлмагандек, бориб эшикни очдим, нимадан кўрқаман? Уч нафар полиция ходими ўзини таништириб ичкари кирди. Кўшим ярим кечаси бизнинг хонамиздан аллатовур қичқирини эшитиб, қандайдир нохушлик юз берганлигини гумон қилган ва полиция участкасига хабар берган экан.

Мен мийғимда кулимсирардим. Нимага қўрқар эканман? Жентлменларни назокат билан ичкарига таклиф қилдим. Уларга кечаси ёмон туш кўрсам дод солиш одатим борлигини айтдим. Чол ҳозирча дам олиш учун қишлоққа кетганини тушунтирдим уларга. Мен меҳмонларни бутун хона бўйлаб айлантириб кўрсатдим. Мана, истаган ерингизни қаранг, кўринг, дедим. Кейин чолнинг хонасига олиб кирдим уларни. Унинг бойлиқларини кўрсатдим. Мана, ҳаммаси бус-бутунча турибди. Ҳатто, уларни хушмуомала билан стул олиб ўтиришга даъват этдим. Чарчаб кетган-да, бечоралар. Мен ўзимни мутлақо голиб санардим. Узим ўтирган стул боғина суғурилиб қайта михланган тахталар устида, полициячиларнинг рўпарасида қўйилганди.

Улар мендан мамнун эдилар. Мен ўзимни жуда бемалол ва хотиржам тутаётгандим. Уларнинг ҳар бир саволига ҳазил-хузул билан жавоб қайтарардим. Шунда улар ўз-ўзича гаплаша кетишди. Бироқ кўп ўтмай рангим оқара бошлаганини, кутилмаган меҳмонларнинг тезроқ кетишини истаётганимни сездим. Бошим оғрий бошлади. Қулогим остида қандайдир овоз шангиллаётган бошлади. Улар ҳали бери турай дейишмасди. Шунда боғий товуш қулогим тагида тобора

яқинроқ, аниқроқ ва қаттиқроқ эшитила бошлади.

Бундан, албатта, мен бироз ўзимни йўқотиб қўйдим, бироқ нутқим ҳалиям равон эди. Овоз эса кучайиб келаверди, нима қилишим керак? Товуш жуда яқиндан, ўқтин-ўқтин, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллаши каби эшитиларди. Мен бу овоздан бағиллиб кетдим. Аммо ҳукумат вужилари табиийки, бунини эшита олишмасди.

Мен бетеоқатлана бошладим, дукурлаб овози эса шафқатсиз суратда ўсиб борарди. Мен ўрнимдан салчиб турдим-да, нималарнидир ўзимча гўлдирай бошладим — овоз кучаяверди. Анавилар нега кетмаяпти? Уёқдан бу ёққа безовталаниб бориб келавердим. Меҳмонлар ҳам мени бироз хавотирга солиб қўйганди. Овозинг ўчур овоз эса, варанглаб бораётди. Эй, Худо! Нима қилишим керак? Ўзоим баданимни тер босди, ўз-ўзимча сўзна бошладим. Менинг қўрбоним кўним топан пол устида турган стулни асабий айлантира бошладим, олдин-кетин силжитиб, гўёки, шу билан лънати товушни босиб кетишни истагандим — баттар авжига минди.

Балаңдлаб бораверди, бораверди, бораверди... Меҳмонлар эса, ҳеч гап бўлмагандек ўзларича гурунглашиб ўтиравердилар. Наҳотки, уларга эшитилмаяпти? Йўқ, йўқ, о, Парвардигори олам! Улар эшитишган, билишди, шунчаки, менинг қўрқаётганимни кўриб, қалака қилишяпти. Менга ўша пайти шундай туюлганди, ҳалиям шундай туюлади. Нима бўлса бўлди — шу азобдан қутулсам ҳам. Уларнинг масхараомуз тиржайишига ортиқча тоқат қилолмайман. Бу кинояли табассумларга ҳозир чидаолмайман. Агар ҳозир қичқириб юборсаман, аниқ ўламан. Уҳ лънати овоз, қулогимни тешиб юборди ҳозир.

— Ваҳшийлар, — дея бақирдим ўзимни тутолмай, — бўлди, бас, етар!!! Тан оламан, мен ўлдиридим уни, мен! Мана, тахталарни кўчириб олинг! Ҳа, худди шу ерда. Унинг юраги тинимсиз урапти, унинг юраги мени тинч қўймапти!

Рустам ЖАББОРОВ таржимаси.

ЭЪЛОНЛАР

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонунчилари" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Камолов Ширинбой Бекпўлатович вазифа эгаллиги сабабли бошқарманинг 2020 йил 7 августдаги 190-ум-сон буйруғига асосан, унинг номига бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган SA 000062-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг 2020 йил 17 июндаги ҳукмига кўра ва бошқарманинг жорий йил 14 августдаги буйруғига асосан Қўрғонтепа тумани, Учқун МФЙ, Фавора кўчаси, 1-ўйда яшовчи, Қўрғонтепа тумани "Лоққа ҳиққ" адвокатлик фирмаси адвокати Гафуров Хусан Жамалдиновичнинг номига 2019 йил 15 майда берилган AN №000227 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Маъмурий ишлар бўйича Яқкабғо тумани судининг 2020 йил 14 августдаги ҳал қилув қарорига асосан Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 24 августдаги буйруғига асосан Қамашчи тумани "Қамашчи ҳуқуқи" адвокатлик фирмаси адвокати Бериёва Зайтуна Султановнага бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000127-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми 6 ой муддатга, яъни 2020 йил 29 февралдан — 2020 йил 29 августга қадар тўхтатилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2020 йил 25 мартдаги айблов ҳукмига асосан Холтўраев Турсулвали Араловичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 24 декабрда берилган TS 000109 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бошқарманинг 2020 йил 11 августдаги 57-А-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақланган. А-3 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4850
Буюртма — V-4307

Манзиллими: 100 115, Тошкент ш. Чилқозор кўчаси-29. Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5

ИНСОҢ ҚОНУН
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2020-7877
МУАССИС: ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Навбатчи
Мадина Ҳамдамова
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

“ОҚТОШ ДОН” АЖ

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ХАМ МАСЪУЛИЯТИНИ УНУТМАДИ

КОРОНАВИРУС пандемиясининг республика мизда тарқалиши сабабли кўплаб корхона ва ташкилотларнинг фаолияти республика Махсус комиссиясининг қарори билан бир қанча муддат тўхтатилган эди. Таъкидлаш жоизки, мавжуд карантин шароитига қарамай, кўплаб корхоналар иш ўрнинларини сақлаб қолди.

Вирус тарқалиши кам бўлган туманларда корхоналар ўз фаолиятини давом эттирди. Бу эса, ўз навбатида, шу вақтга қадар Ўзбекистонда пандемия шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларда жиддий узилишларга олиб келмади. Жамият таркибидаги корхоналарнинг эса бугунги муҳим кунларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларни етказиб бераётгани азиз халқимизнинг истак ва манфаатларининг олий ўринда эканини англатади. Ана шундай корхоналардан бири бўлган Нарпай туманидаги “Оқтош дон” АЖ ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг шундай ишни узлуксиз ташкил этиб,

модернизация қилинган корхонанинг 165 нафар техник хизматчилари пандемия даврида жасорат кўрсатиб ишладилар. Комбинатда 400 киши фаолият кўрсатади.

— Синовли кунларда ишчи-хизматчиларимизнинг кўпчилиги бир жойга бирлашиб, инсон саломатлигига хавф солиб турган даврда комбинатда қолиб ишлашни ихтиёр қилди. Шулардан кўнгилли 165 кишини танлаб улар билан алоҳида шартнома тузди. Коронавирус пандемияси авж олган вақт 8 апрелдан — 18 августга 5 ой мобайнида иш узлуксиз 2 сменада ташкил этилди.

Ана шу даврда халқимиз дастурхонига 29 минг тонна ун ёки 89 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.



тулқ кувват билан фаолият кўрсатгани шак-шубҳасизки, таҳсинга лойиқ.

— Коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир ўтказганлиги кўришиб турибди, — дейди “Оқтош дон” АЖ бошқарув раиси Тўрақул Худойбердиев. Бу офат Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ пандемия шароитида ўз фаолиятини давом эттирган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишчи-хизматчиларини, таъбир жоиз бўлса, чинакам замон фидойилари десам адашмаган бўламан. Корхонамизнинг ишчи кучлари билан биргаликда Самарқанд, Навоий вилоятлари ва бир қатор туманларга ун маҳсулотларини белгиланган режадан ортиқ узлуксиз етказиб турдик. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш ускуналари билан

Диёнатли ва мард ходимларимизга, ўз навбатида, маъмурият томонидан барча қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, комбинат ҳисобидан 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-кечаклар берилди. Қатъий озодлик қонун-қоидаларига амал қилинган ҳолда ювиниш учун душ хоналари ташкил этилди.

Шуни айтиш керак-ки, комбинатда қолиб, узлуксиз ишлаганларнинг ҳар бири алоҳида шижоат ва фидокорлик кўрсатишди. Бошқача айтганда, 1 киши 2 кишининг меҳнат унумдорлигида ишни бажарди. Бу эса ҳақиқий мардлик, дегани.

— Корхона маъмурияти ҳам, ўз навбатида, бу ватанпарварлик ҳиссини кўрсатганларни меҳнатига яраша рағбатлантирдик, — дейди “Оқтош дон” АЖ бош ҳисобчиси Улуғбек Ор-



тиқов. Уларнинг кунлик иш ҳақларини одатдагидан кўра икки ҳисса кўпроқ тўладик. Жумладан, инженер-техник ходимлар 4 миллион сўмгача, оддий ишчилар ҳар ой 3 миллион сўмгача иш ҳақи олдилар. Пандемия даврида узлуксиз ишлаб, корхонада қолганлар мунтазам равишда тиббий кўриклардан ўтказиб турилди. Улар шифокор назоратида бўлишди. Ниқоб, антисептик дори-дармонлар билан таъминландилар. Шунингдек, 5 ой давомида уйга кетмай комбинатда қолиб ишлаган 165 нафар ишчи-хизматчининг оиласидан мунтазам хабар олинди. Уларга комбинат ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

— Тирикликнинг азиз неъматини бу нон, у ҳар бир инсон чун энг азиз ҳисобланади, — дейди корхона ишчиси Ҳамза Жамшидбердиев. Бошқача айтганда, нонсиз ҳаёт йўқ. Ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда одамларнинг фаровонлигини ўйлаб, ҳаётимни хавф остига қўйиб ишлашдан ҳам қўрмадим. Пандемия даврида уйга

кетмай, комбинатда узлуксиз меҳнат қилишга аҳд қилдим.

— Комбинат маъмурияти пандемия даврида уйга кетмай, тинимсиз ишлаганимизга бизга ҳам моддий ҳам иқтисодий ёрдам берди, — дейди комбинатнинг яна бир ишчиси Боймурод Расулов. Иш 2 сменада ташкил этилди, ишлаш учун барча қулай шарт-шароитлар яратилди. Халқимизнинг бошдан кечираётган ушбу оғир кунларида четда қараб туришга виждоним йўл қўймади. Ушбу меҳнатим орқали, юртдошларимизнинг фаровон яшашлари учун ҳисса қўшганимдан бахтиёрман.

Дарҳақиқат, мураккаб вазиятда халқимизнинг ун маҳсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида, ушбу корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириши улкан жасоратдир.

**Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири**

